

Қалби синганларга...



14:41 / 21.01.2023 1925

Ниҳоят ўзингизни танлашга қарор қилдингиз...
Энди бировларга осилмайсиз....
Чунки чўкаётган кишини сомон қутқармаслигини англаб етдингиз...
Тешик кемани ижарага олинмаслигини энди билдингиз...
Уни сафар роҳиласи эмас, ўлим тузоғи эканлигини тушундингиз...
Атрофингиздаги барча нарсалар қулашга даъват қилиб турган бўлсада,
энди ўрнингиздан тура оласиз...
Қалбингиздаги бўрон қалтирашга чақирсада, энди сиз собит тура оласиз...
Энди бошқаларга ортиқча баҳо бермайсиз. Улар нимага лойиқ бўлишса
шуни берасиз...
Сизни сиғдирмайдиган маконни тарк қила оласиз...
Сизга юзаки муносабатда бўлганларга энди бемалол «сенга эҳтиёжим йўқ»
дея оласиз...
Мана шу туйғунинг номини шараф дейишади!
Муборак бўлсин, сиз энди шарафлисиз!

Абдулқодир Полвонов